

**“Ўзбекгидроэнерго” АЖ Кузатув кенгашининг
2025 йил “17” декабрдаги 10-сон баённомасидан
КЎЧИРМА**

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият бошқарув раиси А.А. Сангиновни бошқа ишга ўтаётганлиги сабабли у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни сўраб ёзган аризасини кўриб чиқиш тўғрисида.

2. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш.

Кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масалалар юзасидан қуйидагилар маълум қилинди:

Жамият Бошқарув раиси А.А. Сангинов Кузатув кенгаши раиси У.М. Мамадаминов номига ёзган аризасида бошқа ишга ўтаётганлиги сабабли 2025 йил 17 декабрдан Жамият бошқарув раиси ваколатларини муддатидан илгари белгиланган тартибда тугатишни (меҳнат шартномасини бекор қилишни) сўраган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 79-моддасида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинланадиган Жамият ижроия органи таркибига кирган шахснинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилиши белгиланган.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ Уставининг 47-бандида Ижроия органининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг муддатларини узайтириш Жамият акциядорларининг умумий йиғилиш ваколоти доирасига кириши кўрсатилган.

Шу билан биирга, И.А. Абдурахмонов томонидан Жамият Кузатув кенгаши раиси номига ёзган аризасига асосан 2025 йил 18 декабрдан Жамият бошқарув раиси лавозимига тайинлаш масаласини ўрнатилган тартибда тегишли бошқарув органи йиғилишида кўриб чиқишни сўраган.

Юқоридагиларни, И.А. Абдурахмоновнинг аризаси ҳамда бошқа тегишли ҳужжатларни инобатга олган ҳолда 2025 йил 18 декабрдан Жамият Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи этиб И.А. Абдурахмоновни тайинлаш тавсия этилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан фикрлар билдирилиб, мулоҳазалар алмашилгандан сўнг, Жамият Бошқарув раиси А.А. Сангиновнинг 2025 йил 17 декабрь кунидан ваколатларини муддатдан илгари тугатиш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш ва А.А. Сангинов билан тузилган меҳнат шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш ҳамда 2025 йил 18 декабрдан Жамият Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи этиб И.А. Абдурахмоновни тайинлаш таклифи берилди.

Масала овозга қўйилди, **Овоз бериш натижалари:**

“Рози” - 7 та овоз, “Қарши” - йўқ, “Бетараф” - йўқ.

**КУН ТАРТИБИДАГИ БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ МАСАЛА ЮЗАСИДАН ЖАМИЯТ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Жамият Бошқарув раиси А.А. Сангиновнинг 2025 йил 17 декабрь кунидан ваколатларини муддатдан илгари тугатиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилсин ва А.А. Сангинов билан тузилган меҳнат шартномаси муддатидан олдин бекор қилинсин.

2. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи этиб 2025 йил 18 декабрдан **И.А. Абдурахмонов** тайинлансин.

3. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ Бошқарув раисини тайинлаш масаласи навбатдан ташқари акциядорларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига киритилсин.

Кузатув кенгаши котиби


Ж.Ахмедов